



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI NAMANGAN VILOYATI
UCHQO‘RG‘ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I**

2021 - yil 19 - noyabr

394-6-87-Q/21

Uchqo‘rg‘on tuman hokimligi

Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоири - жадид Муҳаммад Шариф Сўфизода хотирасини абадийлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2021 йил 27 сентябрь куни Наманган вилоятига ташрифи давомида берилган топшириқлар ижросига мувофиқ, вилоят халқ таълими бошқармасининг 2021 йил 16 октябрдаги 01-09/1-3281-сон таклиф хатини кўриб чиқиб, Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоири - жадид Муҳаммад Шариф Сўфизода хотирасини абадийлаштириш мақсадида ва шу ҳақидаги вилоят ҳокимининг 2021 йил 2 ноябрдаги 343-6-0-Q/21-сонли қарори, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Вилоят халқ таълими бошқармасининг 2021 йил 16 октябрдаги 01-09/1-3281-сон таклиф хати маъқуллансин.

2. Вилоят халқ таълими бошқармаси тасарруфидаги вилоят Болалар кутубхонасига Ўзбекистоннинг биринчи халқ шоири - жадид Муҳаммад Шариф Сўфизода номи берилганлиги.

3. Муҳаммад Шариф Сўфизода номидаги вилоят Болалар кутубхонасининг Низоми иловага мувофиқ тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

4. Вилоят халқ таълими бошқармаси (Р.Исраилов)га:

Муҳаммад Шариф Сўфизода номидаги вилоят Болалар кутубхонасининг тегишли ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганлиги;

Муҳаммад Шариф Сўфизода қаламига мансуб асарлар кўرғазмасини ташкил этилганлиги;

Муҳаммад Шариф Сўфизода асарларини ўрганиш ва тарғиб қилиш бўйича бадиий тадбирлар ва кечалар ташкил этиб бориш вазифалари юклатилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

5. Вилоят ички ишлар бошқармаси (А.Атаходжаев) Муҳаммад Шариф Сўфизода

номидаги вилоят Болалар кутубхонасининг мухр ва штампларини алмаштиришга тегишли рухсатнома берилиши маълумот учун қабул қилинсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари С.Турсунов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



А.Вахобов